

6-1-2018

## THE ISSUES OF DIAGNOSIS OF THE CASE BEFORE CRISIS IN ENTERPRISES

N. Yuldasheva  
*Fergana Pedagogical Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Yuldasheva, N. (2018) "THE ISSUES OF DIAGNOSIS OF THE CASE BEFORE CRISIS IN ENTERPRISES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 28.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Юлдашева Н. А. – ФАРПИ,  
муस्ताқил изланувчиси,

## КОРХОНАДА ИНҚИРОЗ ОЛДИ ВАЗИЯТНИ ТАШХИСЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада корхоналардаги инқироз олди вазиятни ташхислаш масалалари ёритилган. Мақолани ёритишда илмий билиш, тизимлилик, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган. Ташхислашнинг назарий жиҳатлари таҳлил этилган. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ташхислаш методлари ва усуллари оид таклифлар берилган. Шунингдек, ташхислашнинг ижобий жиҳатлари тавсифланган.

**Калит сўзлар:** ёндошув, инқирозга қарши бошқарув, кўрсаткичлар, таҳлил, ташхислаш, ташхислаш методлари, ташхислаш усуллари, тизим.

В данной статье рассматриваются вопросы предотвращения кризисов на предприятиях. В статье использовались такие методы как научные знания, систематика, анализ и синтез. Проанализированы теоретические аспекты анализа. В результате исследования автор представила предложения о способах и методах диагностики. Автор также описывает положительные аспекты диагноза.

**Ключевые слова:** подход, антикризисное управление, индикаторы, анализ, диагностика, диагностические методы, методы диагностики, система.

This article discusses the prevention of crises in enterprises. The article used methods such as scientific knowledge, systematics, analysis and synthesis. The theoretical aspects of the analysis are analyzed. As a result of the research, the author presented proposals on methods and methods of diagnosis. The author also describes the positive aspects of the diagnosis.

**Keywords:** approach, crisis management, indicators, analysis, diagnostics, diagnostic methods, diagnostic methods, system.

Инқироз қисқа муддатли ва локал миқёсда бўлган тақдирда ҳам жиддий хавф туғдириши маълум. Ушбу салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида ташхислаш тадбирларини ўз ичига олувчи самарали бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Инқирозга қарши бошқарув иқтисодиётнинг барча бўғинида ташхислаш, инқироз ҳолатларини, унинг сабабларини огоҳлантириш, бартараф этиш бўйича бошқарув тадбирлари тизими ҳисобланади. Шу боис иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи барча йўналишлар инқирозга қарши бошқарувга тааллуқлидир. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш, турли даромадлар олиш, рақобатбардошликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳам инқирозга қарши бошқарув усуллари саналади.

Инқирозга қарши бошқарув ижтимоий психология, социология, педагогика ва математика соҳаларини ҳам қамраб олади. Сабаби барча амалга

ошириладиган ишлар ушбу фанлар доирасидаги билимни ва тажрибани ташкил этади.

Турли ёндошувларни ўрганган ҳолда инқирозга қарши бошқарув тўрт босқични ўз ичига олишини кўриш мумкин:

- профилактика тадбирлари – инқироз ҳақида огоҳлантириш;
- инқирозни ташхислаш ва баҳолаш тадбирлари;
- инқирозни тўхтатиш тадбирлари;
- инқирозни бартараф этиш.

Ташхислаш тушунчаси (грек тилида “diagnostikos” сўзидан олинган) аниқлаш қобилияти маъносини англатади. Ташхис (“diagnosis”) грекчадан касални барча томондан текшириш асосида касаллик мавжудлиги ва унинг хусусиятларини аниқлашни назарда тутди[7, 240-б].

Ташхислаш – бу молиявий иқтисодий ҳолатнинг барқарорлиги бўйича молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни баҳолаш. Инқирозли вазиятларни ташхислаш жараёнида қуйидаги саволларга жавоб топилади:

- Тўловга қобилиятсизлик ҳолатлари белгиларини аниқлаш мақсадида корхона молиявий ҳолати тадқиқ этилади.
- Корхонанинг инқироз ҳолати даражаси аниқланади.
- Инқироз ҳолатини ривожлантирувчи омиллар ўрганилади.

Н.В.Бакша корхонадаги инқироз ҳолатини ташхислашни амалга ошириш мақсади ва усулларида келиб чиқиб, икки асосий тизимга бўлади:

1. Инқирознинг экспресс ташхислаш тизими.
2. Инқирознинг фундаментал ташхислаш тизими[4, 169-б].

Инқирознинг экспресс ташхислаш тизими корхонанинг молиявий ривожланишидаги инқироз параметрларини узлуксиз баҳолаш тизими ҳисобланиб, таҳлилнинг стандарт алгоритмлари бўйича молиявий ҳисоботларга асосланади. Унинг асосий мақсади корхонанинг инқироз ҳолатларини эрта аниқлаш ва уни дастлабки баҳолашдир.

Инқирознинг фундаментал ташхислаш тизими корхонада инқироз ривожланиши параметрларини омили таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари асосида баҳолашни англатади. Унинг асосий мақсади инқироз параметрларини баҳолаш натижалари асосида корхонага салбий таъсир этувчи, инқирозга олиб келувчи маълум омилларни ҳамда узоқ муддатли истиқболни прогнозлаштиришдир.

Ташхислаш жараёнида қуйидаги йўналишларда таҳлиллар олиб борилади:

- соҳанинг кенг қамровли таҳлили;
- молиявий ҳолат;
- маркетинг;
- ишлаб чиқариш фаолияти;
- кадрлар;
- бошқарув тизими;
- корхонанинг умумий самарадорлиги.

Ташхислаш мақсади тадқиқ этилаётган объектга ташхис қўйиш ва истиқболдаги унинг ҳолати бўйича хулоса беришдир. Иқтисодий ташхислашда аниқ ташхис қўйиш талаб этилади. Сабаби, унга кўра корхонанинг молиявий ҳолати аниқланади ҳамда ташхислаш жараёнини бутун тизимда ёки бошқарувда қўллаш ҳақидаги хулосага келинади.

А.П. Добровинскийнинг фикрича, ташхислашни методларини қуйидагича турларга ажратиш кўрсатиш мумкин [5, 123-б]:

- Аналитик усул статистик маълумотлар билан боғлиқ операцияларга асосланади.

- Эксперт ташхислаш усули махсус эксперт сўрови ўтказиш воситасида ташхис бўйича тўлиқ баҳолаш ва маълумотга эга бўлишга асосланади. Ушбу усулда эксперт баҳолашнинг турли йўналишларидан фойдаланилади.

- Чизиқли дастурлаш белгиланган натижага эришиш мақсадида мақбул ресурс ва ҳаракатлардан фойдаланиш бўйича математик усулдир. Унинг натижасида у ёки бу жараёни мақбуллаштириш, даромадни кўпайтириш ва ресурс ва вақтдан самарали фойдаланиш мумкин.

- Динамик дастурлаш маълум структурадаги бошқарув вазифаларини ечиш учун ҳисоблаш усулидир. Ушбу усулда уч босқичдан фойдаланилади: математик модел қуриш, бошқарув вазифасининг қарори, олинган натижаларнинг таҳлили.

Ташхислаш тадқиқот йўналишларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

**1.** Иқтисодий ташхислаш;

**2.** Функционал ташхислаш таркибий турларига кўра:

- маркетинг ахборотларига асосланган ҳолда ташхислаш;

- ишлаб чиқаришни ташхислаш;

- таъминотни ташхислаш;

- молиявий кўрсаткичлар ёрдамида ташхислаш;

- менежментни ташхислаш;

- персонал менежментни ташхислаш (ижтимоий ташхислаш).

**3.** Ташқи муҳитни ташхислаш;

**4.** Стратегик фаолиятни ташхислаш [7, 242-б].


Е.А.Бабушкина инқирозни ташхислашнинг муҳим жиҳати объектнинг статистик ҳолатининг эмас, вақт оралиғидаги динамикаси таҳлили ўтказилишида деб таъкидлайди [3, 38-б].

Ташхислаш объекти сифатида корхонанинг ички муҳити (ишлаб чиқариш функцияси, бошқарув структураси) ва ресурсларнинг маълум тури, ҳаттоки даромад ҳам олинishi мумкин.

Ташхислаш объектининг ҳолатини тўғри баҳолаш учун унга маълум вақт оралиғида таъсир этаётган омилларни акс эттирувчи мезонлар тизими зарур. Ушбу мезонлар тизими объект ҳолатини баҳолаш бўйича базавий кўрсаткичлар тизими, сифат ва миқдор характеристикаларини ишлаб чиқиш, характеристика ва кўрсаткичларни ўлчаш бўйича шкалалардан иборат.

В.А.Подсорин ташхислаш тадқиқотлари бошқарувнинг барча структуралари ва бўғинларида ўтказилиши лозим, дея ҳисоблайди [8, 42-б].

Корхонада инқироз ҳолатини ташхислаш методлари қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).



**1-расм. Инқироз ҳолатини ташхислаш методлари<sup>1</sup>**

Горизонтал (тренд) таҳлил – ўтган даврдаги ҳисоботларни таққослаган ҳолда келгусидаги кўрсаткичлар динамикаси тенденциясини аниқлаш ҳисобланади.

Вертикал (структуравий) таҳлил – якуний молиявий кўрсаткичлар тизимини ҳамда ҳар бир вазиятнинг умумий натижага таъсирини аниқлаш.

Кўрсаткичлар (коэффициентлар) таҳлили – турли шаклдаги ҳисоботларнинг алоҳида элементлари ўртасидаги муносабат ва боғлиқликларни ҳисоблашдир.

Омиллар таҳлили – статистик усуллар ёрдамида алоҳида омилларнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини тадқиқ этишдир.

Қиёсий таҳлил бошқа корхоналар кўрсаткичлари билан ҳисобот жамлама маълумотлар кўрсаткичларини таққослаш усули саналади.

Корхонанинг ҳолатини ва ноқулай шароитларни объектив баҳолаш учун унинг молиявий ҳолати юзасидан ташхислаш ишларини олиб бориш зарур. Молиявий кўрсаткичлар корхонанинг барча йўналишдаги фаолияти самарасини таснифлайди. Молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилишда ҳар бир кўрсаткич ўзгаришини, даромаднинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларнинг пайдо бўлиши ва миқдорий баҳолаш ва кузатиб бориш лозим.

Корхонадаги молиявий ҳолатни баҳолаш учун қуйидаги бухгалтерия ҳисобот ҳужжатлари маълумот манбалари бўлиб хизмат қилади:

- 1-сонли шакл - “Бухгалтерия баланси”;
- 2-сонли шакл - “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”;
- 3-сонли шакл - “Капитал ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”;
- 4-сонли шакл - “Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот”;
- 5-сонли шакл - “Бухгалтерия балансига иловалар”.

<sup>1</sup>Тадқиқот натижалари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий ҳолатни ташхислаш корхона иқтисодий стратегиясига асосланиб, инқирозга қарши бошқарув шароитида корхона молиявий ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс таклифлар ишлаб чиқилади.

Инқирозни ташхислашда статистика, моделлаштириш, экспертиза, маркетинг тадқиқоти ва бошқа инструментлардан фойдаланиш мумкин. Бунда инқироз тури ва келиб чиқиш сабаблари эътиборга олинади. Тизимли таҳлил ўзгаришлар ҳамда корхона мақсади йўлидаги хатарлар ва имкониятлар ҳақида маълумот беради. Шунингдек, инқирозларни ташхислашда қуйидаги усуллар самарали ҳисобланади:

- Ташқи муҳитни таҳлил қилиш.
- Молиявий ҳолатни аудит қилиш.
- Корхона қарздорлиги бўйича кредит сиёсатини таҳлил қилиш.
- Рискни даражасини баҳолаш (идентификациялаш).
- Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш.

Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш икки хил ёндошувга асосланади:

1. Сифат ёндошуви
2. Микдорий ёндошув мавжуд.

Хорижий адабиётларда микдорий ёндошувга доир бир канча усуллар кўрсатиб ўтилган. Хусусан, У.Бивер инқирозни ташхислаш ва корхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг беш омили тизимини таклиф этган. У банкротлик эҳтимолини ташхислашда молиявий коэффициентларни статистик усуллар ёрдамида қўллаган илк молиявий аналитик бўлган. Қуйида У.Бивернинг кўрсаткичлар тизими таснифланган.

*1-жадвал*

### У.Бивернинг кўрсаткичлар тизими[1, 60-б.]

Кўрсаткичлар	Турли гуруҳ фирмалари учун кўрсаткичлар моҳияти		
	Муваффақиятли фирмалар учун	Инқирозгача 5 йил бўлган фирмалар учун	Инқирозгача бир йил бўлган фирмалар учун
Бивер коэффициенти	>0,4	0,17	-0,15 гача
Активлар рентабеллиги%	6-8	5-2	1 дан -22 гача
Молиявий левежи	≤0,35	0,4-0,5	≥0,8
Ҳақиқий айланма капитал билан активларни қоплаш коэффициенти	≥0,4	0,3-0,1	≤1
Қоплаш коэффициенти	2,0-3,2	1,0-2,0	≤1

Жадвалдан кўришиб турибдики, муваффақиятли фирмаларда коэффициентларнинг ўртача микдори 0,45 гача етиб бормокда. Инқирозга 5 йил бўлган фирмалар учун бу кўрсаткич 0,2, инқирозгача бир йил бўлган фирмалар учун - 0,18 гача камайган.

Шунингдек, инқироз хатарларини аниқлаш бўйича кенг қўлланадиган моделлардан бири Э.Альтман модели ҳисобланади. Э.Альтман ўз моделида тижорат рисқи даражасини баҳолашнинг дискриминант анализи усулини қўллаган. Унинг методологияси миқдорий кўрсаткичларга асосланган. Индексни қуришда профессор Э.Альтман 1946-1965 йиллар оралиғида банкрот бўлган 66 та корхонани текширган ва эҳтимолий инқирозни башоратлашда фойдали бўладиган 22 та аналитик коэффицентни тадқиқ этган. Ушбу кўрсаткичларда кўп омилли регрессион тенглама тузган. Альтман индекси корхонанинг иқтисодий салоҳиятини характерловчи бир неча кўрсаткичлар функциясини ва ўтган давр учун ишлари натижаларини кўрсатади[1, 61-62б.].

Ушбу модел қуйидагича акс этади:

(Z-ҳисоб) кредитга лаёқатлик индекси кўриниши биржада акциялари котировкаланадиган компаниялар учун:

$$Z = 1,2X_1 + 1,4X_2 + 3,3X_3 + 0,6X_4 + 0,999X_5 \quad (1)$$

биржада акциялари котировкаланмайдиган компаниялар учун қуйидагича тартибдаги формула келтирилади:

$$Z = 0,717X_1 + 0,847X_2 + 3,107X_3 + 0,42X_4 + 0,999X_5 \quad (2)$$

Бу ерда  $X_1$  – активлар суммасига нисбатан айланма капитал дахлдорлиги;  
 $X_2$  – актив суммасига нисбатан тақсимланмаган фойданинг боғлиқлиги;  
 $X_3$  – актив суммасига нисбатан жорий фойданинг боғлиқлиги;  
 $X_4$  – қарздорликка нисбатан акциялар бозор қийматининг боғлиқлиги;  
 $X_4$  – жалб этилган капиталга шахсий капиталнинг баланс қиймати боғлиқлиги акциялари биржада котировкаланмайдиган компаниялар учун);  
 $X_5$  – активлар суммасига даромаднинг боғлиқлиги.

Аниқланган натижалар бўйича Э.Альтман 3 интервални белгилаб берган. Акциялари биржада котировкаланадиган компаниялар учун:

$Z < 1,23$  – банкротлик эҳтимоллиги юқори;

$Z = 1,81 - 2,9$  – ноаниқлик зонаси;

$Z > 3,0$  – молиявий барқарор корхона.

Акциялари биржада котировкаланмайдиган компаниялар учун:

$Z < 1,23$  – банкротлик эҳтимоллиги юқори;

$Z = 1,23 - 2,90$  – ноаниқлик зонаси;

$Z > 2,9$  – молиявий барқарор корхона.

Хорижий давлатларда банкротликни башорат қилишда аксарият ҳолларда омилли моделлардан фойдаланилади. Шундай моделлардан бири сифатида тўрт омилли моделни кўрсатиш мумкин. Британия олимлари Р.Гафлер ва Г.Тишоу молиявий нобарқарорликни ифодаловчи Z-ҳисобнинг тўрт омилли моделини таклиф этишган[2, 137-б.]:

$$Z = 0,53X_1 + 0,13X_2 + 0,18X_3 + 0,16X_4 \quad (3)$$

$X_1$ , - реализациядан олинган фойда / қисқа муддатли мажбуриятлар;

$X_2$ - айланма активлар / жами мажбуриятлар;

$X_3$ -қисқа муддатли мажбуриятлар / жами активлар (молиявий риск);

$X_4$ - реализация тушумлари / жами активлар

Ушбу формулада Z-ҳисобнинг бошланғич кўрсаткичи — 0,2га тенг.

Агар Z-ҳисобнинг катталиги 0,3 дан катта бўлса, у ҳолда фирманинг узоқ муддатли истиқболи ёмон эмас, агарда 0,3 дан кам бўлса, банкротлик эҳтимоли мавжуд.

Ушбу моделлар орқали корхоналарнинг молиявий барқарорлик, рентабеллик ва ликвидлик даражаларини баҳолаш мумкин.

Фикримизча, юқоридаги моделлар ғарбий давлатлардаги корхоналарни ўрганиш натижасида ишлаб чиқилгани боис уларни Ўзбекистон шароитида татбиқ этишда иқтисодиётимизнинг ўзига хос жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Хорижий тажрибада экспресс-таҳлил (эксперт баҳолаш) ва инқироз ҳолатини ташхислаш кенг қўлланилади. Экспресс-таҳлил ўтказиш инқироз сабабларини аниқлаш ва тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради. Эксперт баҳолашни ўтказишнинг асосий шарти информациянинг ишончлилиги, аниқлигини таъминлашдир.

Экспресс-таҳлил охириги уч йиллик молиявий ҳужжатларни, ҳисоботларни, бизнес-режаларни, шартномаларни, харидор ва таъминотчилар ҳақидаги ҳамда бошқа маълумотларни ўрганишни ўз ичига олади. Экспресс-таҳлилни ўтказиш муддати иқтисодий фаолиятнинг мураккаблиги ва кўламига боғлиқ.

Корхона фаолиятига таҳдид солаётган омиллар ташхислаш натижасида аниқланади ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига узатилади[6, 63-б.].

Фикримизча, инқироз олди вазиятни ташхислаш натижалари асосида куйидаги вазифалар бажарилишига эришилади:

- ички ва ташқи муҳитни мониторинг қилиш жараёнидаги сергаклик инқироз ҳолатлари аломатларини олдинроқ аниқлаш имконини беради;

- инқироз хавфини англатувчи кучсиз сигналларни англаш, вазиятни меъёрдан чекинган ҳолатларини баҳолаш шароити пайдо бўлади;

- инқирозга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш, кўрилиши мумкин бўлган зарар ҳажми, инқирознинг йўналиш даражасини прогноз қилиш имконияти туғилади;

- инқироз ҳолатларини бартараф этиш бўйича қайта алоқалар ташкил этиш мумкин бўлади.

Ташхислаш натижаларини маълумотномалар, тавсиялар ва эслатмалар тарзида қайд этиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтганда, ташхислаш корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш, уни молиявий соғломлаштириш шакл ва усулларини ишлаб чиқиш,



ривожланишнинг кейинги тенденциясини прогнозлаштириш имкониятини яратиб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Антикризисное управление предприятием: учебное пособие / сост. Т. Н. Рогова; Ульянов. гос. техн. Ун-т. – Ульяновск : УлГТУ, 2014. – 200 с. С-60-62.
2. Антикризисное управление: Учебник/Е.П.Жарковская, Б.Е.Бродский.—М.: Омега-Л, 2004. — 336 С- (Успешный менеджмент). С- 137.
3. Бабушкина Е.А. Антикризисное управление: конспект лекций / Е.А.Бабушкина, О.Ю.Бирюкова, Л.С.Верещагина. – М.: Эксмо, 2008. – С. 38.
4. Бакша Н.В. Антикризисное управление. Учебное пособие. Тюмень. Изд-во Тюменского государственного университета, 2013. 300 с. С-169.
5. Добровинский А.П. Антикризисное управление организацией: учебное пособие / А.П. Добровинский; Национальный исследовательский Томский политехнический университет. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2013. С-123.
6. Корхоналарда инкирозга қарши бошқарувни ташкил этиш: ўқув қўлланма/И.Н.Исманов, Ж.Х.Камбаров, М.М.Турдалиева.-Фарғона. 2014.180 б. Б-63.
7. Патласов О.Ю, Сергиенко О.В. Антикризисное управление. Финансовое моделирование и диагностика банкротства коммерческой организации. – Москва: Книжный мир, 2009. С-240, 242.
8. Подсорин В.А. Антикризисное управление: Учебное пособие для программ бакалавриата по направлению «Экономика». – М.: МГУПС (МИИТ), 2016. – 154 с. С-42.